



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 17 » sentabr

№ 572

Toshkent sh.

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон ҳамда “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон фармонларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон Фармони **4-бандига** ҳамда 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг **228-бандига** мувофиқ **2022 йил 1 январдан бошлаб** педагог ходимларга малака тоифасини беришнинг янги тизими жорий қилинаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2022 йил 1 январдан бошлаб:**

мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини (кейинги ўринларда – педагог кадрлар) аттестациядан ўтказиш бўйича вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳамда таълим муассасалари миқёсидаги **аттестация**

комиссиялари тузиш ва йиғма жилд орқали хужжат топшириш амалиёти бекор қилинади;

педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш уларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Таълим инспекцияси) томонидан **ўқув фани бўйича малака синовини ўтказиш орқали амалга оширилади;**

педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаси (лавозим) бериш бўйича хужжатларни қабул қилиш педагог кадрлар томонидан давлат хизматлари марказларига борган ҳолда **ёки мустақил равишда Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекцияси расмий веб-сайтидаги махсус портал орқали амалга оширилади;**

педагог кадрларга қоғоз шаклидаги аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги сертификат бериш амалиёти бекор қилиниб, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган электрон шаклдаги **сертификат бериш тартиби жорий этилади;**

педагог кадрларга ушбу қарор қабул қилингунга қадар берилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги сертификатлар ўз кучида қолади ҳамда амалдаги малака тоифасини (лавозимини) тасдиқлашда ва амал қилиш муддати тугагунга қадар сертификатда кўрсатилган **малака тоифаси (лавозими) бўйича базавий тариф ставкалари асосида ҳақ тўлашда ҳисобга олинади.**

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

педагог кадрларнинг педагогик маҳоратини ва психологик тайёргарлигини баҳолаш ҳамда **ўқув фани бўйича малакаларини синовдан ўтказиш;**

давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали **педагог кадрларнинг хужжатларини онлайн қабул қилиш** ҳамда педагог кадрларга электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган электрон шаклдаги **сертификат бериш;**

узоқ муддатли узлуксиз стажга ва олий малака тоифасига эга педагог кадрларни аттестациядан ўтказмасдан уларнинг **олий малака тоифасини сақлаб қолиш** ҳамда нодавлат таълим ташкилотларининг **педагог кадрларини ҳам аттестациядан ўтказиш ва малака тоифаси бериш.**

4. Таълим инспекцияси **2022 йил 1 январга қадар:**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда

Таълим инспекциясининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “pedkadr.tdi.uz” платформасини ишлаб чиқсин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шахсга доир маълумотлар бўйича ахборот тизимининг “pedkadr.tdi.uz” платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

5. Тизимида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар:

бўйсунувидаги таълим ташкилотлари томонидан навбатдаги аттестациядан ўтадиган ҳамда навбатдан ташқари аттестациядан ўтиш хоҳишини билдирган педагог кадрларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлиги баҳоланишини ташкил этсин ҳамда баҳолаш натижалари юзасидан маълумотноманинг педагог кадрларга ўз вақтида тақдим этилишини таъминласин;

аттестациядан ўтганига беш йил тўлган ва беш йил давомида амалдаги малака тоифасини (лавозимини) ҳимоя қилмаган ёки малакасини оширмаган педагог кадрларни навбатдаги аттестацияга ўз вақтида жалб этиш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки:

пенсия ёшига тўлган педагог кадрлар навбатдаги аттестацияга жалб этилмайди, аттестациядан ўтганлик **муддати тугашидан қатъи назар** уларнинг амалдаги малака тоифаси (лавозими) **сақлаб қолинади** ҳамда мазкур малака тоифаси (лавозими) бўйича уларга **ҳақ тўланади**;

пенсия ёшига тўлган педагог кадрлар ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестациядан ўтиб, малака тоифаси (лавозими) оширилган тақдирда, уларга **янги тасдиқланган** малака тоифаси (лавозими) бўйича **ҳақ тўланади**.

7. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жараёни билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Таълим инспекциясига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Таълим инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев, мактабгача таълим вазири А.В. Шин, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ҳ. Тошқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан
ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) педагог кадрларини (кейинги ўринларда – педагог кадрлар) аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг вазифалари ҳисобланади:

педагог кадрларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисослиги бўйича билимларини синовдан ўтказиш;

педагог кадрларнинг ўз фанини билиши, фаолияти самарадорлиги, педагогик маҳорати, психологик тайёргарлигини ўрганиш ва ҳолисона баҳо бериш ҳамда уларни рағбатлантириш;

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларини юқори билим савиясига эга бўлган, истеъдодли ва иқтидорли педагог кадрлар билан тўлдириш.

3. Аттестациянинг асосий принциплари мажбурийлик, даврийлик, ошқоралик, кенгашиб иш кўриш ҳамда ҳолислик ҳисобланади.

4. Педагог кадрлар ҳар беш йилда бир марта навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилади.

Илгари аттестациядан ўтмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрларга ёки олий таълим ташкилотларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрлар касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилади.

Педагог кадрлар ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Навбатдаги мажбурий аттестация натижаларига кўра амалдаги малака тоифаси (лавозими) оширилган, сақланган ёки туширилган, шунингдек, навбатдан ташқари аттестация натижаларига кўра амалдаги малака тоифаси (лавозими) оширилган ёки сақланган педагог кадрлар навбатдаги мажбурий аттестацияга беш йилдан сўнг жалб этилади.

Педагог кадрларнинг мажбурий аттестацияга ўз муддатида жалб этилиши учун педагог кадр фаолият кўрсатаётган таълим ташкилотининг раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Педагог кадрларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг педагог кадрлари ўз хоҳишига кўра мазкур Низом талабларига мувофиқ навбатдан ташқари аттестациядан ўтиши мумкин.

5. Аттестацияга таълим ташкилотларининг олий маълумотли педагог кадрлари жалб этилади.

Таълим ташкилотларининг олий маълумотга эга бўлмаган педагог кадрлари, шунингдек, ишлаб чиқариш таълими усталари касбий стандартлар ҳамда ходимларнинг ҳар бир лавозим ва касб бўйича малака даражасига қўйиладиган талаблар асосида тизимида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар (кейинги ўринларда – манфаатдор вазирликлар ва идоралар) томонидан аттестациядан ўтказилади.

Таълим ташкилотларининг олий маълумотга эга бўлмаган педагог кадрлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш тартиби манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади.

6. Қуйидагилар навбатдаги мажбурий аттестацияга жалб этилмайди:

фан номзоди, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) даражасига ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан берилган катта илмий ходим, доцент ва профессор илмий унвонига эга бўлган педагог кадрлар;

таълим ташкилотларида 15 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган олий малака тоифали (бош ўқитувчи лавозимидаги) педагог кадрлар;

педагогик фаолият билан шуғулланаётган пенсия ёшига тўлган педагог кадрлар;

педагогик фаолият бўйича уч йилдан кам бўлган иш стажига эга педагог кадрлар;

ҳомиладор аёллар, улар ҳомиладор бўлган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин бир йил давомида;

ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътилларида бўлган аёллар, улар таътилда бўлган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин бир йил давомида;

педагогик фаолият билан шуғулланаётган уч ёшгача болалари бор аёллар;

узоқ (уч ойдан ортиқ вақт мобайнида) даволанишни ўтаётган педагог кадрлар, улар даволанаётган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин олти ой давомида;

мазкур Низомнинг 8 ва 9-бандларида кўрсатилган педагог кадрлар, уларга малака тоифаси тўғридан-тўғри берилган ёки бир поғона оширилган вақтдан бошлаб кейинги беш йил давомида;

республика ва чет эл давлатларига ўқишга, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилган педагог кадрлар;

ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартлар асосида рақобатлаша олмайдиган шахслар учун энг кам миқдордаги иш ўринларига захирага олиб ишга жойлаштирилган педагог кадрлар, бу иш жойларига қабул қилинган кундан бошлаб уч йил давомида.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа педагог кадрлар ҳам навбатдаги мажбурий аттестациядан озод қилиниши мумкин.

7. Навбатдаги мажбурий аттестацияга жалб этилмайдиган педагог кадрлар ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестациядан ўтишлари мумкин.

Навбатдаги мажбурий аттестацияга жалб этилмайдиган педагог кадрларнинг амалдаги малака тоифалари (лавозимлари) сақланиб қолади ҳамда уларга таълим ташкилотларида ишлаган даврида мазкур малака тоифаси (лавозими) бўйича ҳақ тўланади.

Ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестацияда қатнашиб, малака тоифасини (лавозимини) оширган ёки сақлаб қолган педагог кадрларга оширилган ёки сақлаб қолинган малака тоифаси (лавозим) бўйича ҳақ тўланади.

Ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестацияда қатнашиб, аттестациядан ўта олмаган педагог кадрларнинг малака тоифаси (лавозими) туширилмайди ҳамда уларга навбатдан ташқари аттестацияда қатнашишдан олдин амалда бўлган малака тоифаси (лавозими) бўйича ҳақ тўланади.

8. Таълим ташкилотларининг қуйидаги педагог кадрларига малака тоифаси (лавозим) тўғридан-тўғри (аттестациядан ўтказилмасдан) берилади:

туман (шаҳар) миқёсидаги спорт мусобақаларининг биринчи ўрин совриндорларини тайёрлаган таълим ташкилотлари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсидаги спорт мусобақаларининг биринчи ўрин совриндорларини тайёрлаган таълим ташкилотлари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими);

халқаро ҳамда республика миқёсидаги спорт мусобақаларининг биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин совриндорларини тайёрлаган таълим ташкилотлари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими);

халқаро математика (ИМО), физика (IPhO), кимё (IChO), биология (ИВО) информатика (IOI) олимпиадаларида олтин, кумуш ёки бронза медаль (биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин) совриндорларини тайёрлаган таълим ташкилотларининг педагог кадрларига – олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими).

9. Қуйидаги педагог кадрларининг малака тоифаси (лавозими) бир поғонага оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланган педагог кадрлар;

“Устоз” миллий мукофоти ғолиблари;

Worldskills мусобақалари совриндорларини тайёрлаган таълим ташкилотларининг педагог кадрлари;

республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрлар.

10. Илгари аттестациядан ўтмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрларга ёки олий таълим ташкилотларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрларга аттестацияга жалб этилгунга қадар қуйидаги тартибда малака тоифаси (лавозим) берилади:

бакалавр даражасига эга педагог кадрларга – мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозими;

Билим ва кўникмаларни баҳолаш маркази нодавлат таълим ташкилотида сертификациядан ўтган бакалавр даражасига эга педагог кадрларга – иккинчи малака тоифаси;

магистр даражасига эга мутахассисларга, шунингдек, олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотли педагог кадрларга – иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими);

фан номзоди, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан берилган катта илмий ходим, доцент ва профессор илмий унвонига эга бўлган педагог кадрларга – олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими).

11. Тузилмасида мактабгача, умумий ўрта ёки мактабдан ташқари бўғинлари мавжуд бўлган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг мазкур бўғинларда дарс бераётган педагог кадрлари аттестациядан мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари учун белгиланган тартибда ўтказилади.

12. Таълим ташкилотлари раҳбарлари:

навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтиш муддати тугашидан олти ой олдин педагог кадрларни аттестациядан ўтиш лозимлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши;

педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби билан таништириши ҳамда аттестациядан ўтиш учун ҳужжат топшириш бошлангунга қадар уларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолашни ташкил этиши лозим.

13. Аттестацияга доир ташкилий масалалар Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Таълим инспекцияси), манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда таълим ташкилотлари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги аттестациянинг меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда педагог кадрларнинг ҳуқуқлари таъминланган ҳолда ўтишини назорат қилади.

15. Аттестацияни ўтказишда манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув фани бўйича тест синовларини ўтказиш ва аттестация жараёнини қатъий назорат қилиш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Мувофиқлаштириш аттестация жадвалларини ишлаб чиқишни ва тасдиқлашни, аттестацияни ташкил этишни, қўшма қарорлар лойиҳаларини тайёрлашни, педагог кадрлар учун тест, ижодий, назарий (оғзаки, ёзма) ва амалий синовларни ўтказишни ҳамда уларнинг натижаларини эълон қилишни, аттестациядан ўтган педагог кадрларга сертификатлар беришни ўз ичига олади.

Аттестацияни назорат қилиш унинг натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш, ушбу Низом талаблари бузилишининг олдини олиш ҳамда аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида йўл қўйилган қоидабузарликлар ҳақидаги маълумотномаларни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибиятига, манфаатдор вазирлик ва идораларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш орқали амалга оширилади.

2-боб. Аттестациядан ўтиш учун ҳужжат топшириш

16. Педагог кадрлар асосий иш жойи бўйича аттестацияга жалб этилади. Таълим ташкилотларида ўриндошлик асосида дарс берадиган ва асосий иш жойи бўйича педагогик фаолият билан шуғулланмайдиган педагог кадрлар ўриндошлик асосида фаолият юритаётган таълим ташкилотидан аттестацияга жалб этилади.

17. Педагог кадрларнинг малака тоифалари (лавозимлари) бошқа таълим ташкилотларига, таълим ташкилотларининг бир туридан бошқасига ёхуд нодавлат таълим ташкилотидан давлат таълим ташкилотига ишга ўтганда сақлаб қолинади.

Бунда мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларининг иккинчи малака тоифаси ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг катта ўқитувчиси лавозимиغا,

биринчи малака тоифаси – етакчи ўқитувчиси лавозимига, олий малака тоифаси – бош ўқитувчиси лавозимига тенглаштирилади.

18. Педагог кадрлар олий маълумот олганлиги ёки қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги дипломда (кейинги ўринларда – диплом) кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналиши, мутахассислик ёки ихтисослигига мос келадиган ўқув фанлар бўйича аттестациядан ўтади.

Педагог кадрларнинг дипломида биттадан ортиқ тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислик ёки ихтисослик кўрсатилган бўлса, улар дарс бераётган ҳар бир ўқув фани бўйича алоҳида аттестациядан ўтади, профессионал таълим ташкилотларининг умумқасбий ва махсус фан ўқитувчилари бундан мустасно.

Профессионал таълим ташкилотларида икки ёки ундан ортиқ умумқасбий ва махсус фанлардан дарс бераётган педагог кадрлар ўқув юкламаси кўп бўлган битта ўқув фани бўйича, бир нечта фандан ўқув юкламаси тенг миқдорда бўлган ҳолларда педагог кадр томонидан танланган ўқув фани бўйича аттестациядан ўтказилади.

Бунда профессионал таълим ташкилотлари умумқасбий ва махсус фан ўқитувчиларига аттестация натижалари бўйича берилган лавозими улар дарс бераётган фан соҳаси бўйича бошқа ўқув фанларига ҳам тегишли бўлади.

19. Аттестациядан ўтиш учун педагог кадрлар ҳар йили 1 январдан 1 мартга қадар ва 1 августдан 1 октябрга қадар бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қиладилар.

20. Педагог кадрларни навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди.

21. Педагог кадрларни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилинганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Педагог кадрларни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим тўланганлиги ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

22. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг:

20 фоизи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

50 фоизи – Таълим инспекциясининг ҳисобварағига;

қолган қисми – Давлат бюджетига ўтказилади;

б) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг:

10 фоизи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

50 фоизи – Таълим инспекциясининг ҳисобварағига;

қолган қисми – Давлат бюджетига ўтказилади;

в) Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус портал орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг:

0,5 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

20 фоизи – Давлат бюджетига;

қолган қисми – Таълим инспекциясининг ҳисобварағига ўтказилади.

Педагог кадр аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатилишидан воз кечган, амалдаги малака тоифасини (лавозимини) ҳимоя қила олмаган ва аттестациядан ўта олмаган тақдирда, тўланган йиғим қайтариб берилмайди.

Педагог кадрлар узрли сабабларга кўра аттестацияга келмаганлиги туфайли уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилган тақдирда, йиғим такроран ундирилмайди.

23. Бевосита давлат хизматлари марказларига мурожаат қилинганда педагог кадр номидан давлат хизматлари маркази ходими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилинганда эса педагог кадрнинг ўзи мустақил равишда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ сўровномани (кейинги ўринларда – сўровнома) электрон тарзда тўлдиради.

Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

педагог кадрнинг таълим тўғрисидаги ҳужжати (хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбекистон Республикасида тан олиш ҳақидаги гувоҳнома);

қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги диплом нусхаси (агар мавжуд бўлса);

педагог кадрнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолаш натижалари юзасидан маълумотнома.

Педагог кадрлардан ушбу бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига педагог кадр масъул ҳисобланади.

24. Педагог кадр ўзи келиб мурожаат этганда, давлат хизматлари марказлари томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўзининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда - ЭРИ) билан тасдиқлайди.

Сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Педагог кадр Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди. Бунда сўровнома педагог кадр томонидан дастурга киритилган телефон рақамига ёки электрон почта манзилига автоматик тарзда юбориладиган SMS-хабарнома орқали тасдиқланади.

25. Нотўғри маълумотлар ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланган ҳар қандай босқичда педагог кадрнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва аттестациядан ўтказиш жараёни тўхтатилади, топширилган ҳужжатлар ва тўланган йиғим қайтарилмайди.

Педагог кадрлар томонидан топширилган ҳужжатнинг қалбаки эканлигини аниқлаш Таълим инспекциясида мавжуд бўлган маълумотлар асосида амалга оширилади. Таълим инспекциясида мавжуд бўлган маълумотлар асосида педагог кадрлар томонидан топширилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, Таълим инспекцияси томонидан тегишли ваколатли ташкилотларга сўровнома юборилади.

Педагог кадрлар томонидан топширилган ҳужжатлар қалбаки эканлиги аниқланган тақдирда, мазкур ҳужжатлар Таълим инспекцияси томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилади.

26. Қуйидаги ҳолатларда давлат хизматлари маркази ёки Таълим инспекцияси томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши рад этилиши мумкин:

педагог кадрлар томонидан сўровноманинг электрон рақамли имзо ёки имзони идентификация қилишнинг бошқа воситалари ёхуд SMS-хабарнома билан тасдиқланмаганлиги;

педагог кадрлар томонидан нотўғри маълумотлар ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этилгани маълум бўлиб қолганлиги;

сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатганлик учун белгиланган йиғимнинг тўланмаганлиги (педагог кадрни навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказиш ҳолатлари бундан мустасно).

Давлат хизматлари кўрсатишни мазкур бандда кўрсатилган асослардан бошқа ҳолатлар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

27. Педагог кадр давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортишга ҳақли (педагог кадрни навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказиш ҳолатлари бундан мустасно).

Педагог кадр давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда тўланган йиғим қайтарилмайди.

Педагог кадрга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (педагог кадрнинг вафот этиши, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши ёки педагог кадр билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши туфайли давлат хизматидан фойдаланиш зарурати мавжуд эмаслиги) сабабли давлат хизматидан фойдаланилмаган тақдирда, тўланган йиғим педагог кадрга ёки унинг қонуний вакилига қайтарилади.

28. Педагог кадр давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этган тақдирда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, педагог кадр томонидан тасдиқлангандан сўнг 10 дақиқа мобайнида, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этганда, автоматик тарзда Таълим инспекциясига электрон шаклда юборилади.

29. Ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганда Таълим инспекцияси томонидан ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали педагог кадрларга хабарнома юборилади.

Ушбу хабарнома QR-кодга эга бўлиб, бунда педагог кадрни аттестацияга жалб қилиш саналари, жалб қилинадиган фани, педагог кадрнинг шахсий маълумотлари акс эттирилади ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан электрон ёки босма равишда тақдим этилганда, аттестация жараёнига кириш учун рухсатнома сифатида фойдаланилади.

30. Ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда Таълим инспекцияси томонидан ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги тўғрисида давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали педагог кадрларга хабарнома юборилади.

Педагог кадрлар ҳужжат қабул қилиш тўхтатилгунга қадар камчиликларни тузатган ҳолда ҳужжатларни қайта топширишлари мумкин. Бунда педагог кадрдан давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим такроран ундирилмайди.

31. Педагог кадрлардан ҳужжатларни қабул қилиш ҳар йили 1 март ва 1 октябрь саналарида тўхтатилади.

Таълим инспекцияси томонидан педагог кадрларнинг ўқув фани бўйича малака синовларини ўтказиш жадвали ҳар йили 10 март ва 10 октябрга қадар тасдиқланади, Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилинади, тегишли вазирликлар ва идораларга ҳамда SMS-хабарнома орқали педагог кадрларга юборилади.

32. Мазкур Низомнинг 8–10-бандларида кўрсатилган педагог кадрлар ҳар йили 1 январдан 31 декабрга қадар тўғридан-тўғри аттестациядан ўтказилмасдан малака тоифаси (лавозим) сертификатини олиш учун бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтган ҳолда муурожаат қиладилар.

Мазкур Низомнинг 8–10-бандларида кўрсатилган педагог кадрларга тўғридан-тўғри аттестациядан ўтказмасдан малака тоифаси (лавозим) сертификатини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди.

Бевосита давлат хизматлари марказларига муурожаат қилинганда мазкур Низомнинг 8–10-бандларида кўрсатилган педагог кадр номидан давлат хизматлари маркази ходими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали муурожаат қилинганда эса педагог кадрнинг ўзи мустақил равишда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

Таълим инспекцияси томонидан мазкур Низомнинг 8–10-бандларида кўрсатилган педагог кадрнинг тўғридан-тўғри аттестациядан ўтказилмасдан малака тоифаси (лавозим) сертификатини олиш бўйича сўровномаси 10 кун муддатда кўриб чиқилади ва ижобий қарор қабул қилинганда уларга мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ QR-код кўйилган электрон шаклдаги сертификат берилади.

3-боб. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш

33. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш икки босқичда амалга оширилади ҳамда иккита босқич бўйича умумий 100 баллик тизимда баҳоланади.

34. Биринчи босқичда педагог кадрларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлиги таълим ташкилотининг педагогик (кузатув) кенгашлари томонидан ўрганилади ҳамда мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида 20 баллик тизимда баҳоланади.

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар педагог кадрларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида ўрганиш ва баҳолаш учун ўзининг тизимидаги муассасаларни ёки мазкур фаолиятни амалга оширишга ихтисослашган бошқа ташкилотларни, шунингдек маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилишлари мумкин.

Педагог кадрларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолаш натижалари ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шаклдаги маълумотномага киритилиб, таълим ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда Таълим инспекциясига топшириш учун педагог кадрларга тақдим этилади.

Педагогик маҳорат ва психологик тайёргарликни баҳолаш натижалари юзасидан маълумотнома аттестациядан ўтиш учун ҳужжат топшириш бошланган санага қадар кўпи билан тўрт ой муддат ичида берилган бўлиши лозим.

35. Иккинчи босқичда педагог кадрларнинг ўқув фани бўйича малака синовлари ўтказилади.

Малака синовлари қуйидаги шакллардан бири бўйича ўтказилади:

тест синовлари;

ижодий;

назарий (оғзаки, ёзма);

назарий (оғзаки, ёзма) ва амалий.

36. Тест синовлари ҳар йили март-май ҳамда октябрь-ноябрь ойларида Таълим инспекцияси томонидан ўтказилади.

Тест синовлари санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Тест синовлари 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир тўғри бажарилган тест саволи 2 балл билан баҳоланиб, тест синовлари учун жами 80 балл берилади.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг камида С1 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга ёхуд тегишли даражадаги тилни ўқитишнинг касбий маҳоратларни аниқловчи сертификат эга чет тили фани ўқитувчиларига ўқув фани бўйича малака синовидан максимал 80 балл берилади.

37. Ўқув фани бўйича малака синовлари:

маданият ва санъатга (тасвирий ва амалий санъат, дизайн, мусиқа, театр, цирк ва хореографияга) ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун – ижодий синовлар шаклида;

жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг педагог кадрлари учун – назарий (оғзаки, ёзма) синовлар шаклида;

таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун – назарий (оғзаки, ёзма) ва амалий синовлар шаклида ўтказилади.

Ўқув (махсус) фани бўйича малака синовлари маданият ва санъатга, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари педагог кадрлари ҳамда таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун тест синовлари шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин.

38. Ижодий, назарий (оғзаки, ёзма), амалий синовлар Таълим инспекцияси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг қўшма қарори билан рўйхати тасдиқланадиган ишчи гуруҳлар томонидан ҳар йили март-май ҳамда октябрь-ноябрь ойларида ўтказилади ва мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

39. Маданият ва санъатга, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун ижодий ва назарий (оғзаки, ёзма) синовлар тўртта топшириқдан (саволдан) иборат бўлади ва белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлигига (тўғри жавоб берилганига) кўра ҳар бир топшириқ учун 20 баллдан, жами 80 баллик тизимда баҳоланади.

40. Таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун назарий (оғзаки, ёзма) синовлар тўртта саволдан иборат бўлади ва белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли жавоб берилганлиги кўра ҳар бир топшириқ учун 5 баллдан, жами 20 баллик тизимда баҳоланади.

Таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун амалий синовлар тўртта жисмоний машқдан (100 метрга югуриш, жойидан туриб узунликка сакраш, турникда тортилиш (эркаклар учун), гимнастика ўриндиғига таяниб, қўлларни букиш ва ёйиш (аёллар учун), ётган ҳолда қўлларни бош орқасига қўйиб гавдани кўтариш) иборат бўлади, ҳар бир машқ учун 15 баллдан, жами 60 баллик тизимда мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ амалий синовлар нормативлари асосида баҳоланади.

Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимида ёшига мос келадиган ихтиёрий талабларни муваффақиятли бажарган таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари амалий синовлардан озод этилади ва уларга мазкур синовлардан максимал 60 балл берилади.

41. Ижодий ва назарий (оғзаки, ёзма) синовлар материаллари тизимида маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилади.

42. Ўқув фанидан малака синовлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган таълим ташкилотларида ҳамда бошқа ташкилотларнинг катта сиғимдаги биноларида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаган ҳолда ўтказилади.

Таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун амалий синовлар таълим ташкилотларининг стадионларида ёки спорт залларида ўтказилади.

43. Аттестация жараёни учун синов материаллари Таълим инспекцияси томонидан тестологиянинг халқаро талаблари асосида, холислик ва махфийликни таъминлаган ҳолда шакллантирилади.

Аттестация жараёни учун синов материалларини шакллантириш учун Таълим инспекцияси томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, уларнинг худудий ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва малакали мутахассислари, маҳаллий ва хорижий экспертлар, шунингдек, нодавлат ташкилотлар вакиллари жалб этилиши мумкин.

Синов материалларини шакллантириш учун жалб этиладиган шахсларга Таълим инспекцияси билан тузиладиган шартномалар асосида ҳақ тўланади.

44. Иккита босқич натижаларига кўра:

а) олий малака тоифали ёки бош ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр:

80 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтган, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) сақланган;

80 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтмаган, биринчи малака тоифасига (етакчи ўқитувчи лавозимида) туширилган (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

б) биринчи малака тоифали ёки етакчи ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр:

80 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтган, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) берилган;

70 баллдан 79 баллгача кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтган, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) сақланган;

70 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтмаган, иккинчи малака тоифасига (катта ўқитувчи лавозимида) туширилган (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

в) иккинчи малака тоифали ёки катта ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр:

70 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтган, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) берилган;

60 баллдан 69 баллгача кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтган, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) сақланган;

60 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтмаган, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимига туширилган (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

г) мутахассис ёки олий маълумотли ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр:

60 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтган, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) берилган;

55 баллдан 59 баллгача кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтган, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозими сақланган;

55 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлса – аттестациядан ўтмаган, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас деб (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно) ҳисобланади.

Навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар аттестациядан ўта олмаган тақдирда, уларнинг малака тоифаси (лавозими) туширилмайди ҳамда улар лавозимига мувофиқ эмас деб ҳисобланмайди.

Мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимидаги педагог кадрлар навбатдаги мажбурий аттестациядан ўта олмаган тақдирда, иш берувчи ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

45. Педагог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлиги, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этганлиги, вақтинча хорижий мамлакатда сафарда бўлганлиги, яқин қариндошининг вафоти, ваколатли давлат органи ёки таълим ташкилотлари раҳбарларининг маълумотномасида кўрсатилган бошқа асосларга) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади.

46. Педагог кадр узрсиз сабабга кўра аттестацияда иштирок этмаган бўлса, у аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ҳамда унинг тегишли малака тоифаси (лавозими) бир поғона туширилади.

Узрсиз сабабга кўра аттестацияда иштирок этмаган мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимидаги педагог кадр аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ҳамда иш берувчи ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

47. Аттестация якунланганидан сўнг бир ой муддатда Таълим инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан аттестация натижаларига кўра олий, биринчи ва иккинчи малака тоифалари ҳамда бош, етакчи ва катта ўқитувчи лавозимлари берилган педагог кадрларнинг рўйхати тасдиқланади ҳамда рўйхатга асосан педагог кадрларга мазкур Низомга 9-иловага мувофиқ

шаклдаги QR-код қўйилган электрон шаклдаги сертификатлар (кейинги ўринларда – сертификат) Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали онлайн генерация қилинади.

Навбатдаги мажбурий ва навбатдан ташқари аттестация натижаларига кўра малака тоифаси (лавозими) оширилган ёки сақланган, шунингдек, навбатдаги мажбурий аттестация натижаларига кўра малака тоифаси (лавозими) туширилган педагог кадрларнинг ойлик иш ҳақларига киритиладиган ўзгаришлар автоматик тарзда ҳисоблаб чиқарилиши учун Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти UzASBO ёки бошқа молиявий ҳисоб-китоб дастурлари ҳамда мактаб бошқарув (ERP) дастурлари билан интеграция қилинади.

Педагог кадрлар давлат хизматлари марказига бориш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтида жойлашган шахсий кабинетига кириш орқали электрон шаклдаги сертификатни юклаб олиши мумкин.

48. Педагог кадрларнинг базавий тариф ставкалари миқдори, уларнинг малака тоифаси ёки лавозими сертификат асосида белгиланади ҳамда уларнинг иш ҳақлари сертификат генерация қилинган кундан бошлаб қайта ҳисобланади.

49. Аттестациядан ўтганлик муддати тугаган ва навбатдаги мажбурий аттестациядан озод этилмаган педагог кадрларга мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозими бўйича ҳақ тўланади.

50. Аттестациядан ўтганлик муддати тугаб, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозими бўйича ҳақ тўланаётган педагог кадрлар навбатдаги мажбурий аттестацияга охири олган малака тоифаси (лавозими) бўйича жалб қилинади.

4-боб. Аттестация натижалари юзасидан мунозабат қилиш

51. Аттестация натижаларидан норози бўлган педагог кадрлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида апелляция комиссиясига ёзма равишда ариза (шикоят) беришлари мумкин.

52. Апелляция комиссияси аттестация бошлангандан кейин ўн кун ичида Таълим инспекцияси бошлиғининг буйруғига кўра ҳар бир таълим тури бўйича етти кишидан иборат таркибда тузилади.

Апелляция комиссияси таркиби Таълим инспекцияси бошлиғининг ўринбосари (комиссия раиси), манфаатдор вазирлик ва идоранинг соҳага масъул таркибий бўлинмаси раҳбари (комиссия раиси ўринбосари), Таълим инспекцияси ходимлари (бир нафари – комиссия котиби), манфаатдор вазирлик ва идоранинг касаба уюшмаси вакили ҳамда ходимларидан иборат бўлади.

Апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ёзма равишда ёки Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали электрон тарзда амалга оширилади.

53. Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

Апелляция комиссиясининг мурожаатларни масофадан туриб онлайн тарзда кўриб чиқиш вақтлари тўғрисидаги маълумотлар Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

54. Апелляция комиссияси таркибига ишчи гуруҳлар таркибидан аъзо киритилмайди.

55. Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш учун жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

56. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

57. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

58. Мурожаат этувчи педагог кадрлар апелляция комиссияси томонидан мурожаати кўриб чиқилиши жараёнида бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши мумкин.

59. Апелляция комиссияси педагог кадрнинг аттестация жараёнларига оид мурожаатини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

педагог кадрнинг тўғри баҳоланганлиги, ўқув фани бўйича тест ва малака синовини материалларида хато ва камчиликлар, шунингдек, синовларни ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар аниқланмаган тақдирда, аттестация натижаларини ўзгартиришсиз қолдириш;

педагог кадрнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлиги нотўғри баҳоланганлиги, ўқув фани бўйича тест ёки малака синовини материалларида хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, аттестация натижаларини ўзгартириш;

ўқув фани бўйича тест ёки малака синовларини ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, тест синовларининг қайтадан топширилишини ташкил этиш.

60. Апелляция комиссияси қарори нусхаси мурожаат этувчи педагог кадрга апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан беш кун муддатда тақдим этилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

61. Таълим инспекцияси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг қўшма қарори, Таълим инспекцияси раҳбарининг буйруғи

ёки апелляция комиссияси қарори юзасидан педагог кадрлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

62. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал
ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим
ташкилотлари педагог кадрларининг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Таълим ташкилотлари Таълим инспекцияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби билан таништириш, педагог кадрларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижалари юзасидан маълумотномани уларга тақдим этиш. Маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари педагог кадрлари, шунингдек, таълим ташкилотлари жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун ижодий, назарий ва амалий синовларни ўтказадиган ишчи гуруҳлар таркибини тасдиқлаш.	Ҳар йили ноябрь-февраль ва июнь-сентябрь ойларида Ҳар йили 1 февраль ва 1 сентябрга қадар
2-босқич	Педагог кадрлар, давлат хизматлари марказлари, Таълим инспекцияси Таълим инспекцияси Таълим инспекцияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	Аттестациядан ўтиш учун педагог кадрлар томонидан давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекцияси расмий веб-сайти орқали ҳужжат топшириш. Педагог кадрларнинг ўқув фани бўйича малака ва кўникмаларини баҳолаш учун тест синовларидан ўтказиш. Маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари педагог кадрлари, шунингдек, таълим ташкилотлари	Ҳар йили январь-февраль ва август-сентябрь ойларида Ҳар йили март – май, октябрь – ноябрь ойларида Ҳар йили март – май, октябрь – ноябрь ойларида

		жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун ижодий, назарий ва амалий синовларни ўтказиш ва баҳолаш.	
3-босқич	Таълим инспекцияси Молия вазирлиги	Амалдаги малака тоифаси (лавозими) сақланган ва оширилган педагог кадрларнинг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда электрон шаклдаги сертификатларни Таълим инспекциясининг расмий веб-сайти орқали онлайн генерация қилиш. Янгидан тасдиқланган малака тоифалари ёки лавозимларга асосан педагог кадрларнинг ойлик иш ҳақларини қайта ҳисоб-китоб қилиш.	Ҳар йили июнь ва декабрь ойларида Ҳар йили 1 июлга ва 1 январга қадар
4-босқич	Апелляция комиссияси Апелляция комиссияси	Аттестация натижаларидан норози бўлган педагог кадрларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш. Апелляция комиссияси қарори нусхасини мурожаат этувчи педагог кадрга тақдим этиш.	Мурожаат қилинган пайтдан бошлаб 10 кунда Комиссия қарори чиққан пайтдан бошлаб 5 кунда

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал
ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мақтабдан ташқари таълим
ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш бўйича давлат
хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

(санаси)

(рақами)

I. Педагог кадр ҳақида маълумот:

1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Жинси:	
5. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами):	
6. Таълим ташкилоти жойлашган туман (шаҳар):	
7. Таълим ташкилоти номи ёки рақами:	
8. Таълим ташкилоти тури (оддий, ихтисослаштирилган):	
9. Таълим ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли (давлат, нодавлат):	
10. Аттестация тури (навбатдаги, навбатдан ташқари):	
11. Аттестациядан ўтаётган ўқув фани:	
12. Аттестациядан ўтадиган тили:	
13. Амалдаги малака тоифаси (лавозими) тўғрисида маълумот (сертификат серияси, рақами ва берилган вақти):	
14. Яшаш жойи:	
15. Телефон рақами:	
16. Электрон почта манзили (e-mail):	

II. Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Педагог кадрнинг таълим тўғрисидаги ҳужжати (хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбекистон Республикасида тан олиш ҳақидаги гувоҳнома);

2. Қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги диплом нусхаси (агар мавжуд бўлса);

3. Педагог кадрнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолаш натижалари юзасидан маълумотнома.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал
ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

**Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим
ташкилотлари педагог кадрлари томонидан тўғридан-тўғри аттестациядан ўтмасдан
малака тоифаси (лавозим) сертификатини олиш учун**

СЎРОВНОМА

_____ (санаси)

_____ (рақами)

I. Педагог кадр ҳақида маълумот:

1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Жинси:	
5. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами):	
6. Таълим ташкилоти жойлашган туман (шаҳар):	
7. Таълим ташкилоти номи ёки рақами:	
8. Таълим ташкилоти тури (оддий, ихтисослаштирилган):	
9. Таълим ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли (давлат, нодавлат):	
10. Тўғридан-тўғри аттестациядан ўтмасдан малака тоифаси (лавозим) сертификатини олишга асос (Низомнинг 8, 9 ва 10-бандларидан бири):	
11. Сертификат олинган фан номи:	
12. Яшаш жойи:	
13. Телефон рақами:	
14. Электрон почта манзили (e-mail):	

II. Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Педагог кадрнинг таълим тўғрисидаги ҳужжати (хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбекистон Республикасида тан олиш ҳақидаги гувоҳнома);

2. Қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги диплом нусхаси (агар мавжуд бўлса);

3. Тўғридан-тўғри аттестациядан ўтмасдан малака тоифаси (лавозим) сертификатини олиш учун асос бўладиган ҳужжат (Низомнинг 8-, 9- ёки 10-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан бири).

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал
ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

**Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатнинг давлат
намунаси**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
TA’LIM SIFATINI NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI**

**PEDAGOG KADRGА TO‘G‘RIDAN-TO‘G‘RI BERILGAN MALAKA TOIFASI
(LAVOZIMI) TO‘G‘RISIDA SERTIFIKAT**

Sertifikat seriyasi Sertifikat raqami

Pedagog kadr to‘g‘risida ma‘lumot:

Pedagog kadrning shaxshiy kodi:

Familiyasi Ismi Otasining ismi

Tug‘ligan vaqti Ish joyi

Tayyorlov yoki ta‘lim yo‘nalishi,
mutaxassislik yoxud ixtisoslik nomi

To‘g‘ridan-to‘g‘ri malaka toifasi (lavozim)ni berish uchun asos (Nizomning
8-, 9- yoki 10-bandlaridagi holarlaridan biri ko‘rsatiladi)

To‘g‘ridan-to‘g‘ri berilgan malaka toifasi yoki lavozim

Berilgan sana Amal qilish muddati

Sertifikatni imzolagan shaxs

QR – kod

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал
ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-илова

**Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мақтабдан ташқари таълим
ташкилотлари педагог кадрларининг педагогик
маҳорати ва психологик тайёргарлигини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ***

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
I. Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларининг педагогик маҳоратини баҳолаш мезонлари		
1-боб. Мақтабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларининг педагогик маҳоратини баҳолаш мезонлари		
а)	очиқ машғулотлар (дарслар) ўтганлиги учун:	3 балл
	<i>икки марта очиқ машғулот (дарс) ўтилганда (ўқув йили давомида)</i>	<i>3 балл</i>
	<i>бир марта очиқ машғулот (дарс) ўтилганда (ўқув йили давомида)</i>	<i>2 балл</i>
б)	илк ва мақтабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг тарбияланувчилар томонидан бажарилиши учун (умумий типдаги мақтабгача таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун):	3 балл
	<i>тўлиқ бажарилганлиги учун</i>	<i>3 балл</i>
	<i>қисман бажарилганлиги учун</i>	<i>2 балл</i>
	тарбияланувчилар учун коррекцион (ривожлантирувчи) материаллар яратган, методик тавсиялар, муаллифлик ва вариатив дастурлар ишлаб чиққанлиги учун (кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва қўшма типдаги давлат мақтабгача таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун):	3 балл
	<i>тарбияланувчилар учун коррекцион (ривожлантирувчи) материаллар яратган, методик тавсиялар, муаллифлик ва вариатив дастурлар ишлаб чиққан бўлса</i>	<i>3 балл</i>
	<i>машғулот (дарс) ўтиши учун кўرғазмали ва тарқатма материаллар, методик тавсиялар ишлаб чиққан бўлса</i>	<i>2 балл</i>
	<i>машғулот (дарс) ўтиши учун кўрғазмали материаллар ишлаб чиққан бўлса</i>	<i>1 балл</i>
в)	мақтабгача таълим-тарбия бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан таълим-тарбия бериш жараёнида фойдаланганлиги учун	3 балл
	<i>мақтабгача таълим-тарбия бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан таълим-тарбия бериш жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	<i>3 балл</i>
	<i>мақтабгача таълим-тарбия бериш воситалари ва шаклларида машғулотлар жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	<i>2-балл</i>
г)	ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда методик ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	3 балл
	<i>республика миқёсида</i>	<i>3 балл</i>
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	<i>2 балл</i>

	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	<i>1 балл</i>
д)	педагог кадрларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	3 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида</i>	<i>3 балл</i>
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	<i>2 балл</i>
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	<i>1 балл</i>
Жами		15 балл
2-боб. Умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларининг педагогик маҳоратини баҳолаш мезонлари		
а)	очиқ дарс ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	3 балл
	<i>уч марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	<i>3 балл</i>
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	<i>2 балл</i>
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	<i>1 балл</i>
б)	ўқувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида)	3 балл
	<i>86 – 100 фоиз</i>	<i>3 балл</i>
	<i>71 – 85 фоиз</i>	<i>2 балл</i>
	<i>55 – 70 фоиз</i>	<i>1 балл</i>
в)	таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун	3 балл
	<i>таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	<i>3 балл</i>
	<i>таълим бериш воситалари ва шаклларида дарс жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	<i>2 балл</i>
г)	педагог кадрларнинг ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда методик ишланмалар билан иштирок этганлиги учун (умумий типдаги умумий ўрта таълим муассасалари педагог кадрлари учун):	3 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида</i>	<i>3 балл</i>
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	<i>2 балл</i>
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	<i>1 балл</i>
	таълим оловчиларни коррекцион ривожлантирувчи методик тавсиялар ва муаллифлик дастурлари материаллари яратганлиги учун (жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари педагог кадрлари учун):	3 балл
	<i>таълим оловчиларни тайёрлаш учун ривожлантирувчи (коррекцион) материаллар яратган, методик тавсиялар ва муаллифлик дастурлари ишлаб чиққан бўлса</i>	<i>3 балл</i>
	<i>дарс (машгулот) ўтиши учун кўргазмали ва тарқатма материаллар, методик тавсиялар ишлаб чиққан бўлса</i>	<i>2 балл</i>
	<i>дарс (машгулот) ўтиши учун кўргазмали материаллар яратган бўлса</i>	<i>1 балл</i>
д)	педагог кадрларнинг профессионал танловларда иштирок этганлиги учун:	3 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида</i>	<i>3 балл</i>
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	<i>2 балл</i>
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	<i>1 балл</i>
Жами		15 балл

3-боб. “Баркамол авлод” болалар марказлари педагог кадрларининг педагогик маҳоратини баҳолаш мезонлари		
а)	очиқ машғулотлар (дарслар) ўтганлиги учун (хар ўқув йилида):	3 балл
	<i>икки марта</i>	3 балл
	<i>бир марта</i>	2 балл
б)	тўғарак аъзоларининг давлат талабларини ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичлари учун:	3 балл
	<i>86 - 100 % фоиз</i>	3 балл
	<i>71 – 85 % фоиз</i>	2 балл
	<i>55 – 70 % фоиз</i>	1 балл
в)	тўғарак фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув-методик қўлланмалар ва методик тавсиялар ишлаб чиққанлиги учун	3 балл
	<i>тўғарак фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув- методик қўлланмалар ва методик тавсиялар ишлаб чиққанлиги учун</i>	3 балл
	<i>тўғарак фаолиятини ривожлантиришга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиққанлиги учун</i>	2 балл
г)	таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун	3 балл
	<i>таълим бериш воситалари ва шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	3 балл
	<i>таълим бериш воситалари ва шаклларида дарс жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	2 балл
д)	педагог кадрларнинг профессионал танловларда иштирок этганлиги учун:	3 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида</i>	3 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	2 балл
Жами		15 балл
4-боб. Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари педагог кадрларининг педагогик маҳоратини баҳолаш мезонлари		
а)	очиқ дарс машғулотлари ўтганлиги учун (хар ўқув йилида):	3 балл
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	3 балл
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	2 балл
б)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари ҳамда спорт турлари бўйича тўғаракларга жалб этилганлиги учун (синф журналлари асосида):	3 балл
	<i>86 – 100 фоиз</i>	3 балл
	<i>71 – 85 фоиз</i>	2 балл
	<i>55 – 70 фоиз</i>	1 балл
в)	таълим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув- методик қўлланмалар ва методик тавсиялар ишлаб чиққанлиги учун	3 балл
	<i>таълим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув- методик қўлланмалар ва методик тавсиялар ишлаб чиққанлиги учун</i>	3 балл
	<i>таълим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиққанлиги учун</i>	2 балл
г)	таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс машғулотлари ва спорт секция машғулотларини ўтиш жараёнида қўллай олса	3 балл

	<i>таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс машғулотлари ва спорт секция машғулотларини ўтиши жараёнида қўллай олса</i>	3 балл
	<i>таълим бериш воситалари ва шаклларида дарс машғулотлари ва спорт секцияси машғулотларини ўтиши жараёнида қўллай олса</i>	2 балл
д)	педагог кадрларнинг профессионал танловларда иштирок этганлиги учун:	3 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида</i>	3 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	2 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	1 балл
Жами		15 балл
5-боб. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар педагог кадрларининг педагогик маҳоратини баҳолаш мезонлари		
а)	очиқ (маҳорат) дарс машғулотлари ўтганлик учун (ҳар ўқув йилида):	3 балл
	<i>уч марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	3 балл
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	2 балл
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	1 балл
б)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (ўқувчиларнинг шахсий иш режалари асосида):	3 балл
	<i>86 – 100 фоиз</i>	3 балл
	<i>71 – 85 фоиз</i>	2 балл
	<i>55 – 70 фоиз</i>	1 балл
в)	таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун	3 балл
	<i>таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	3 балл
	<i>таълим бериш воситалари ва шаклларида дарс жараёнида фойдаланганлиги учун</i>	2 балл
г)	педагог кадрларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари ҳамда педагог кадрнинг ижодий фаолиятига доир танлов ва кўргазмаларда иштирок этганлиги учун:	3 балл
	<i>совринли ўринни олганлиги учун</i>	3 балл
	<i>иштирок этганлиги учун</i>	2 балл
д)	педагог кадрларнинг ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда методик ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	3 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	3 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	2 балл
	<i>муассаса миқёсида</i>	1 балл
Жами		15 балл
6-боб. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари педагог кадрларининг педагогик маҳоратини баҳолаш мезонлари		
а)	очиқ дарслар ўтганлиги учун (мунтазам равишда):	3 балл
	<i>уч марта очиқ дарс ўтилган бўлса (ҳар ўқув йили давомида)</i>	3 балл
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса (ҳар ўқув йили давомида)</i>	2 балл
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса (ҳар ўқув йили давомида)</i>	1 балл
б)	ўқувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида)	3 балл
	<i>86 – 100 фоиз</i>	3 балл

	71 – 85 фоиз	2 балл
	55 – 70 фоиз	1 балл
в)	таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун	3 балл
	таълим бериш воситалари, шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланганлиги учун	3 балл
	таълим бериш воситалари ва шаклларида дарс жараёнида фойдаланганлиги учун	2 балл
г)	ўқув қўлланмаси, намунавий дастур ёзишда қатнашганлик, илмий мақолалар ва бошқа илмий ютуқлар учун:	3 балл
	ўқув қўлланмалар ва намунавий дастурлар ёзишда қатнашганлиги	3 балл
	ўқув қўлланмаси ёзишда қатнашганлиги	2 балл
	илмий мақолалар ва бошқа илмий ютуқларга эришганлиги	1 балл
д)	педагог кадрларнинг турли касбий кўрик-танловлар ва мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	3 балл
	халқаро ва республика миқёсида	3 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	2 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	1 балл
Жами		15 балл
II. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларининг психологик тайёргарлигини баҳолаш мезонлари		
	Дарсларнинг (машғулотларнинг) психологик таҳлиллари натижалари ижобий бўлса, таълим олувчилар (тарбияланувчилар) ва уларнинг она-оналари (ўрнини босувчи шахслар) томонидан педагог кадрнинг фаолияти юзасидан шикоятлар бўлмаса	5 балл
	Дарсларнинг (машғулотларнинг) психологик таҳлиллари натижалари ижобий бўлса, таълим олувчилар (тарбияланувчилар) ва уларнинг она-оналари (ўрнини босувчи шахслар) томонидан педагог кадрнинг фаолияти юзасидан битта шикоят бўлса	3 балл
	Дарсларнинг (машғулотларнинг) психологик таҳлиллари натижалари ижобий бўлса, таълим олувчилар (тарбияланувчилар) ва уларнинг она-оналари (ўрнини босувчи шахслар) томонидан педагог кадрнинг фаолияти юзасидан биттадан ортиқ шикоят бўлса	1 балл
	Дарсларнинг (машғулотларнинг) психологик таҳлиллари натижалари ижобий бўлмаса, таълим олувчилар (тарбияланувчилар) ва уларнинг она-оналари (ўрнини босувчи шахслар) томонидан педагог кадрнинг фаолияти юзасидан биттадан ортиқ шикоят бўлса	0 балл
Жами		5 балл

*) Мазкур баҳолаш мезонларига Таълим инспекцияси томонидан тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал
ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-илова

**Pedagog kadrning pedagogik mahorati va psixologik tayyorgarligini
baholash natijalari yuzasidan
МА'ЛУМОТНОМА**

_____ (respublika, viloyat, tuman (shahar) nomi)

_____ fani o'qituvchisi
_____ (ta'lim tashkilotining nomi va raqami) _____ (fan nomi)

_____ ning pedagogik mahorati va psixologik tayyorgarligi
_____ (pedagog kadrning F.I.O.)

_____ ball bilan baholandi.
_____ (to'plangan ball raqam va so'z bilan)

Asos: _____
(pedagogik (kuzatuv) kengashining qarori yoki jalb qilingan tashkilot (mutaxassisning) xulosasi)

Ta'lim tashkiloti rahbari: _____
_____ (imzo) _____ (rahbarning F.I.O.)

M.O'.

Ro'yxatdan o'tkazish raqami: _____

Berilgan sanasi: _____
_____ (kun, oy, yil)

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал
ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-илова

**Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мақтабдан
ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрлари
учун назарий ва ижодий синовларни
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ***

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
I. Назарий (оғзаки ва ёзма) синовларни баҳолаш мезонлари		
Аттестациядан ўтувчининг саволга берган жавоби учун:		20 балл
1.	таҳлил қила олади, мазмун-моҳиятини тушунади ва очиб бера олади, жавобни мантиқий кетма-кетликда изчил ифодалайди, ишончли далиллар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қила олади, мисоллар ва манбалар билан асослантира олади, номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб ҳисобланса	20 балл
2.	мазмун-моҳиятини тушунади ва очиб бера олади, жавобни мантиқий кетма-кетликда изчил ифодалайди, ишончли далиллар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қила олади, мисоллар ва манбалар билан асослантира олади, номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб ҳисобланса	18 балл
3.	ишончли далиллар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қила олади, мисоллар ва манбалар билан асослантира олади, номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб ҳисобланса	16 балл
4.	мисоллар ва манбалар билан асослантира олади, номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб ҳисобланса	14 балл
5.	номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб ҳисобланса	12 балл
6.	ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб ҳисобланса	10 балл
7.	мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб ҳисобланса	8 балл
8.	моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб ҳисобланса	6 балл
9.	моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб ҳисобланса	4 балл
10.	билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб ҳисобланса	2 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
11.	билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб ҳисобланса	0 балл
II. Ижодий синовларни баҳолаш мезонлари		
Аттестациядан ўтувчининг берилган топшириқни қай даражада бажарганлигига кўра:		20 балл
Анъанавий ижрочилик (созандалик)		
1.	ижро қиладиган асар ёки куйни таҳлил қила олади, асар ёки куйнинг бастакори ҳақида маълумот бера олади, машқ ва мисоллар билан чолғусида ижро қила олади, ўзбек халқ куйларидан, бастакорлар ижодидан, “Шашмақом”нинг “Мушкулот” қисмидан тасниф, таржеъ, гардун ва мухаммаслардан бирини, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги туркум асарлардан бирини, воҳаларга хос мумтоз куйлардан чолғусида ижро қила олади, асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	20 балл
2.	асар ёки куйнинг бастакори ҳақида маълумот бера олади, машқ ва мисоллар билан чолғусида ижро қила олади, ўзбек халқ куйларидан, бастакорлар ижодидан, “Шашмақом”нинг “Мушкулот” қисмидан тасниф, таржеъ, гардун ва мухаммаслардан бирини, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги туркум асарлардан бирини, воҳаларга хос мумтоз куйлардан чолғусида ижро қила олади, асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	18 балл
3.	машқ ва мисоллар билан чолғусида ижро қила олади, ўзбек халқ куйларидан, бастакорлар ижодидан, “Шашмақом”нинг “Мушкулот” қисмидан тасниф, таржеъ, гардун ва мухаммаслардан бирини, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги туркум асарлардан бирини, воҳаларга хос мумтоз куйлардан чолғусида ижро қила олади, асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	16 балл
4.	ўзбек халқ куйларидан, бастакорлар ижодидан, “Шашмақом”нинг “Мушкулот” қисмидан тасниф, таржеъ, гардун ва мухаммаслардан бирини, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги туркум асарлардан бирини, воҳаларга хос мумтоз куйлардан чолғусида ижро қила олади, асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	14 балл
5.	“Шашмақом”нинг “Мушкулот” қисмидан тасниф, таржеъ, гардун ва мухаммаслардан бирини, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги туркум асарлардан бирини, воҳаларга хос мумтоз куйлардан чолғусида ижро қила олади, асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	12 балл
6.	Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги туркум асарлардан бирини, воҳаларга хос мумтоз куйлардан чолғусида ижро қила олади, асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	10 балл
7.	воҳаларга хос мумтоз куйлардан чолғусида ижро қила олади, асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	8 балл
8.	асар ёки куйнинг доира усулини билади, амалда асар ёки куйни чолғусида ижро қила олади деб ҳисобланса	6 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
9.	амалда асар ёки куйни чолғусида тўлиқ ижро қила олади деб ҳисобланса	4 балл
10.	асар ёки куйни чолғусида қисман ижро қила олади ва тасаввурга қисман эга деб ҳисобланса	2 балл
11.	асар ёки куйни ижро қилиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб ҳисобланса	0 балл
Анъанавий ижрочилик (эстрада)		
